



Савол: Ислом рамзи сифатида янги чиккан ой (ҳилол) танланганини биламиз. Нега ой танлангани ва бу нарсa қачон жорий этилгани ҳақида маълумот беролмайсизларми?

Жавоб: Аллоҳ таоло ойни кечалари нур сочиб ёритиб туриши учун яратган. Аллоҳ таоло ойни яратиш билан бандаларнинг йиллар саногини ва вақт ҳисобини ҳатосиз ҳисоблаб юришларини ирода этган. Бу борада Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча ҳадислар ворид бўлган. Хусайн ибн Хорисдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинишича, Макканинг амири хутба қилиб: «Расулуллоҳ бизларга ибодатларни ойни кўриб адо этишни... амр қилганлар», деди (Имом Абу Довуд ва Дора Кутний ривоятлари). Ибн Умардан (розияллоҳу анху) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «У (ой)ни кўриб рўза тутинглар ва уни кўриб очинглар», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ислом рамзи сифатида ҳилолнинг танланишига усмонийлар давридаги воқеалар сабаб

бўлган. 1453 йили Султон Мухаммад Фотих Византиянинг юраги саналмиш Кустантания (ҳозирги Истанбул) шахрига юриш бошлади. Ислом тарихида хал килувчи жангни бошлаш пайти килиб осмонда ой кўриниши белгиланди. Сўнгра хилол чиқиши билан хужумга ўтилди ва бу муҳим шаҳар фатх этилди. Фотихлар шундан кейин ой суратларини байрокларига туширишди.

У пайтда усмонлилар халифаликни хали кўлга олишмаган эди. 1516 йили Султон Салим Биринчи Ислом ўлкалари устидан ҳукмронликни кўлга киритди. Байроқдаги ой сурати ҳам усмонлилар оркали бошқа мусулмон юртларга рамз ўларок тарқалди.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги ўн учта мамлакат - Жазоир, Комор ороллари, Мавритания, Малайзия, Малдив, Озарбойжон, Покистон, Сингапур, Тунис, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон, Ғарбий Саҳара байрокларига ой (хилол) тасвири туширилган.

Масжидларнинг минора ва гумбазлари устига ҳам ой тасвири ўрнатиш урфга кирган.

"Динда саволим бор" китобидан